



AKTUAR MOLIYA VA BUXGALTERIYA HISOBI ILMIY JURNALI

Vol. 4 Issue 06 | pp. 233-236 | ISSN: 2181-1865
Available online <https://finance.tsue.uz/index.php/afa>

ЕР СОЛИГИ МАЪМУРИЯТЧИЛИГИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ



Идирисов Алишер Отажонович,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
мустақил тадқиқотчиси

Аннотация: Ушбу мақолада ер солиги маъмурориятчилигини ташкил этиш, жумладан солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиб-қоидалари, шунингдек қўшимча солиқ базасини яратиш масалалари ҳақида сўз юритилади.

Калит сўзлар: Ер солиги, солиқ солиш обьекти ва базаси, солиқ ставкалари, солиқ имтиёзлари, солиқ назорати.

Кириш.

Таъкидлаш ўринлики, ер солиги бўйича тушумлар маҳаллий бюджет даромадларини шакллантиришда фискал аҳамияти муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистонда ер умуммиллий бойлиқ, шу боис ундан оқилона фойдаланиш зарурлиги ҳамда у давлат муҳофазасида эканлиги хуқуқий жиҳатидан мустаҳкамлаб қўйилган¹.

Ер ва ундан фойдаланганлик учун ундириладиган тўловларга доир муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги бир қанча қонун-хужжатлари билан тартибга солинган.

Ер умуммиллий бойлиқдир, Ўзбекистон Республикаси ҳалқи ҳаёти, фаолияти ва фаровонлигининг асоси сифатида ундан оқилона фойдаланиш зарур ва у давлат томонидан муҳофаза қилинади. Ер тўғрисидаги қонунчиликнинг асосий вазифалари ҳозирги ва келажак авлодларнинг манфаатларини кўзлаб ердан илмий асосланган тарзда, оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишни, тупроқ унумдорлигини тиклаш ва оширишни, табиий муҳитни асраш ва яхшилашни, хўжалик юритишнинг барча шаклларини teng хуқуқлилик асосида ривожлантириш учун шароит яратишни назарда тутиб, юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган хуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида ер муносабатларини тартибга солищдан, шунингдек бу соҳада қонунийликни мустаҳкамлашдан шу жумладан коррупцияга оид хуқуқбузарликларнинг олдини олишдан иборат².

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 2023 йил 30 апрель, (Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси - Lex.uz);

² Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелдаги ЎРҚ- 598-1 сонли Қонуни билан қабул қилинган Ер кодекси, (Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси - Lex.uz);

Бизнингча, бугунги кунда юртимизда ер ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлашнинг иқтисодий механизмлари яратилган бўлсада, ушбу йўналишни янада такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.

Мамлакатимизда ер ресурсларига доир муносабатларни тартибга солиш мақсадида тегишли қонун қабул қилинган. Мазкур қонуннинг тегишли моддаларида ер майдонларидан фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш, ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг бекор қилиниши, ер эгаси, ердан фойдаланувчи, ижарачи ва ер участкаси мулқдорининг мажбуриятлари ҳамда ерлардан оқилона фойдаланишни ва уларни муҳофаза қилишни иқтисодий раъбатлантириш масалалари кўзда тутилган³.

Ер солигини тўловчилар, солик солиш обьекти ва базаси, солик ставкалари, солик даври, соликни ҳисоблаб чиқариш ва солик ҳисботини тақдим этиш тартиби ҳамда тўлаш тартиб-қоидалари кўзда тутилган⁴.

Юртимизда бюджетларро муносабатларни тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари белгиланган бўлиб, унга кўра жисмоний шахслардан олинадиган ер солиги тушумлари туманлар ва шаҳарлар бюджетларига тўлиқ ҳажмда ўтказилиши мумкинилиги, юридик шахслардан олинадиган ер солиги тушумлари эса Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетига, вилоятларнинг вилоят бюджетларига ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетига тўлиқ ҳажмда ўтказилиши мумкинилиги, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, ҳалқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари юридик шахслардан олинадиган ер солиги тушумларини туманлар ва шаҳарлар бюджетларига йўналтиришга ҳақли эканлиги назарда тутилган⁵.

Жорий йил 1 январдан Солик кодексининг 483 моддасига киритилган ўзаришларга мувофиқ “Иzlaniш ва rivojlanishi” марказлари 2024 йил 1 январдан 2027 йил 1 январга қадар бўлган даврда улар эгаллаган ер участкалари бўйича юридик шахслардан олинадиган ер солигини мазкур солик бўйича ҳисобланган суммасининг 1 фоизи миқдорида тўлаши бўйича имтиёз берилди⁶.

Тадқиқот методологияси.

Ушбу мақолада статистик маълумотларни гурухлаш, қиёслаш, солиширма таҳлил ва бошқа услублардан фойдаланилди. Шунингдек ер солиги бўйича маъмуриятчиликни ташкил этиш юзасидан амалдаги қонунчилик нормалари бўйича айрим масалалар таҳлил қилинди.

Таҳлил ва натижалар.

³ Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелдаги ЎРҚ- 598-Л сонли Қонуни билан қабул қилинган Ер кодекси, (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - Lex.uz);

⁴ Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-599 сонли Қонуни билан қабул қилинган Солик кодекси, (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - Lex.uz);

⁵ Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 25 декабрдаги “2024 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги ЎРҚ-886-сонли Қонуни (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - Lex.uz).

⁶ Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 28 декабрдаги “Солик ва бюджет сиёсатининг 2024 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганилиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзgartириш ва кўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-891-сонли Қонуни (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - Lex.uz);

Мамлакатимизда амалда бўлган қонун-хужжатлари ўрганилиб таҳлил қилинганда юртимизда ер ресурслари улардан оқилона фойдаланиш мақсадида давлат муҳофазасига олингани маълум бўлди.

Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси ўрганилганда ер тўғрисидаги қонунчиликнинг асосий вазифалари, ердан фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш, ер участкаларига бўлган хуқуқларни давлат рўйхатига олиш ва унга бўлган хуқуқларнинг бекор қилиниши, ер эгаси, ердан фойдаланувчи, ижарачи ва ер участкаси мулкдорининг мажбуриятлари ҳамда ерлардан оқилона фойдаланишни ва уларни муҳофаза қилишни иқтисодий рағбатлантириш чора-тадбирлари каби масалалар назарда тутилгани маълум бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси ва бошқа солиқ тўғрисидаги қонунчилик хужжатлари ўрганилган ҳолда таҳлил қилинганда ер солиғини тўловчилар, солиқ солиш обьекти ва базаси ҳамда уни аниқлаш тартиби, солиқ ставкалари, солиқ даври, солиқни ҳисоблаб чиқариш ва солиқ ҳисоботини тақдим этиш тартиби ҳамда тўлаш тартиб-қоидалари кўзда тутилгани ва хуқуқий жиҳатидан мустаҳкамлангани маълум бўлди.

Ўзбекистон Республикасининг “2024 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни ўрганилганда бюджетлараро муносабатларни тартибга солишининг ўзига хос хусусиятлари, жумладан 2024 йил учун Қорақалпогистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг даромадларини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятларини белгилаш орқали ер солиғи тушумларининг тақсимланиши тўғрисидаги қоидалар тартибга солингани маълум бўлди.

Ўзбекистон Республикасининг “Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2024 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганини муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун хужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни ўрганилганда ер солиғининг жорий йил учун ставкаларига ўзгартиришлар киритилганлиги ҳамда ер солиғи бўйича айrim тадбиркорлик субъектларига солиқ имтиёzlари тақдим этилганлиги маълум бўлди.

Холоса ва таклифлар.

Олиб борилган ўрганишлар ва таҳлиллар натижасида ер ресурсларини ҳисобга олиш ҳамда солиқ маъмуриятчилиги тизимининг айrim жихатларини янада тақомиллаштириш мақсадга мувофиқ деган холосага келинди.

Ўзбекистон Республикасидаги амалдаги қонун-хужжатлари ўрганилганда бошқа барча табиий ресурслар каби ер ресурслари ҳам умуммиллий бойлик ҳисобланиб давлат муҳофазасига олинган, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва бу ҳар бир шахснинг қонуний бурчиdir.

Фуқароларда ердан унумли фойдаланиш қўникмаларини шакллантириш бугунги кундага долзарб масалалардан ҳисобланиб, бу йўналишда юқори натижаларга эришиш давлат ва жамият манфаатларига бирдек ижобий хизмат қиласи.

Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси ўрганилганда унда қўзда тутилган айрим қоидаларни Ўзбекистоннинг маъмурий ислоҳотлари дастури ижросини таъминлаш мақсадида қабул қилинган қонун-хужжатларига мувофиқлаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилиши қонунчилик амалиётини такомиллашишига хизмат қиласди.

Ўзбекистон Республикасининг Солик кодекси ўрганилганда ер солиғи бўйича қўзда тутилган солик имтиёzlари ва бошқа солик маъмуриятчилигини тартибга солишга оид айрим қоидаларни такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ҳамда қўшимчаларни киритиш мақсадга мувофиқ, деган холосага келинди.

Бизнингча ер солиғи бўйича солик маъмуриятчилигининг такомиллаштирилиши тадбиркорлик субъектлари ва жамият манфаатларига бирдек хизмат қилиши билан муҳим аҳамиятта эга ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 2023 йил 30 апрель, (Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси - Lex.uz);
2. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелдаги ЎРҚ-598-I сонли Қонуни билан қабул қилинган Ер кодекси, (Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси - Lex.uz);
3. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-599 сонли Қонуни билан қабул қилинган Солик кодекси, (Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси - Lex.uz);
4. Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 28 декабрдаги "Солик ва бюджет сиёсатининг 2024 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилингандиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги ЎРҚ-891-сонли Қонуни (Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси - Lex.uz);
5. Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 25 декабрдаги "2024 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги ЎРҚ-886-сонли Қонуни (Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси - Lex.uz);
6. Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитасининг "Солик ҳисоботининг шаклларини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори, Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 24 февралда рўйхатдан ўтказилган, рўйхат рақами 3221, (Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси - Lex.uz).

Copyright: © 2024 by the authors. This work is licensed under a Creative Commons Attribution- 4.0 International License (CC - BY 4.0)

